

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 2 март, № 43 (7823) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 1 март куни Сирдарё вилоятининг инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Жорий йил учун мазкур вилоятда 737 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг умумий қиймати 25 триллион 500 миллиард сўм бўлиб, шундан қарийб 900 миллион долларини хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар натижасида йилига 11 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати, қарийб 36 минг иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Яна бир муҳим томони, янги корхоналар 326 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 124 миллион долларлик импорт ўрнини босиш имконини беради. Лойиҳаларни шакллантиришда тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати "драйвер" сифатида белгилаб олинган.

Сирдарё вилоятида 200 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилади. Давлатимиз раҳбарининг қайта ишлашни чуқурлаштириш, хом ашёни қўшилган қийматли маҳсулотга айлантириб сотишга қаратилган сиёсати натижасида бу борадаги кўрсаткичлар ўсиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилда вилоятда маҳаллий хом ашёдан трикотаж мато тайёрлаш даражаси 70, кийим-кечак ишлаб чиқариш даражаси 75 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда буларни 100 фоизга етказиш мўлжалланган.

Тўқимачилик соҳасида амалга ошириладиган 29 та лойиҳа бунда муҳим ўрин тутади. Уларнинг самарасида қарийб 818 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, қўшилган қиймат 2,5 баробар ортади. 6 минг 600 дан зиёд иш ўринлари яратилади.

Қурилиш материаллари саноатида 16 та лойиҳа режалаштирилган. Масалан, Янгиер шаҳрида кафел, Сайхунобод туманида газоблок, Ховос туманида гипсокартон ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Барча корхоналарни шу йил ишга тушириб, 2 мингга яқин кишиларнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Озиқ-овқат тармоғида мева-сабзавотларни қайта ишлаш, мош етиштириб, экспорт қилиш, балиқчилик кластери ташкил этиш каби 51 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Буларнинг натижасида бозорга арзон ва сифатли маҳсулотлар чиқарилиб, нарх-наво барқарорлигига ҳисса қўшилади. 3 минг 500 га яқин кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Фармацевтика соҳасидаги 9 та лойиҳанинг ҳам самарадорлиги юқори. Гулистон шаҳри ва Сирдарё туманида фойдаланишга топшириладиган корхоналарда инфузион эритмалар, таблеткалар ва бошқа тиббий воситалар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари Мирзаобод туманида Гужарат саноат зонасини ташкил этиш лойиҳасига алоҳида аҳамият қаратди. Олий даражадаги келишувлар натижаси бўлган ушбу мажмуада иқтисодиёт талаб этаётган муҳим лойиҳалар жойлаштирилмоқда. Хусусан, у ерда томчилатиб суғориш ва иссиқхона жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги техникаси агрегатлари ва минитехникалар, пластмасса буюмлар, трикотаж, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 8 та корхона бўлади. Уларда 1 минг 600 дан зиёд кишилар ишлайди. Йилига 25 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Бугунги кунда мазкур саноат зонаси учун 40 гектар ер ажратилган. Уни ташкил қилишга 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши белгиланган. Корхоналар 2021 — 2023 йилларда бирин-кетин ишга туширилади.

Президент лойиҳалар ижросида сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди. Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳрига яқинлиги, темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиб, логистикани ривожлантириш, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда, шунингдек, аҳолини камбағалликдан чиқариш, ёшлар ва аёллар бандлигини ошириш борасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон — БМТ:

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

*1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси янги суверен давлат сифатида ташкилотга қабул қилинди. БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги штаб-квартираси олдида мустақил Ўзбекистон байроғи кўтарилган ушбу кун давлатимиз тарихи саҳифаларига катта аҳамиятга молик сана сифатида муҳрланди.*



### Ташқи сиёсат

1993 йил 24 октябрда Тошкентда Холид Малик бошчилигида БМТнинг ваколатхонаси очилиши мамлакатимизнинг мазкур нуфузли ташкилот билан ўзаро алоқаларини янги босқичга кўтарди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ташкилотнинг ўндан ортиқ дастурлари, жамғармалари ва агентликлари, жумладан, БМТ Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси сингари бир қатор ихтисослаштирилган муассасалари фаолият юритиб келяпти. Ўз навбатида, Нью-Йорк ва Женева шаҳарларидаги БМТ қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган энг нуфузли халқаро тузилмадир. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган ҳар бир давлат халқаро муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган, халқаро шартномалардан иборат БМТ Низомидаги мажбуриятларга риоя қилади. Низомда ташкилотнинг тўртта асосий вазифаси, яъни халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш, миллатлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш, халқаро муаммоларни ҳал этиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ушбу умумий мақсадларга эришишда миллатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш белгилаб қўйилган.

Дунёда кечаётган ҳозирги глобаллашув жараёни инсоният тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, ўзида турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам намоён этмоқда. Ана шундай шароитда давримизнинг энг обрўли халқаро тузилмаси — БМТ билан тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик қилиш халқимизнинг туб миллий манфаатларига тўлиқ мос келади. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида билдирган "Биз қатъий ишонамиз, БМТ бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутади" деган фикри мамлакатимизнинг ташқи сиёсий позициясини изоҳлаб берди. Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати БМТнинг 2015 — 2030 йилларда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича дастурларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлиб, юртимизда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш, камбағалликни камайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, одамлар саломатлигини муҳофазалаш, иқтисодиётни ривожлантириш, умумқамровли, адолатли ва сифатли таълимга эришиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ҳамда фаоллигини ошириш, экологик барқарорликни таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ташаббуслари БМТ даражасида тўла қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимизга БМТнинг собиқ Бош котиблари — Кофи Аннан, Пан Ги Мун ва амалдаги Бош котиби Антониу Гутерриш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар, БМТнинг Диний эътиқод бўйича махсус маърузачисининг ташрифлари катта аҳамиятга эга бўлди. 2018 йил ноябрда Самарқанд шаҳрида БМТ ташкил этилганидан кейинги 70 йил давомида Осиё минтақасида биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. Форумда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси ҳужжати сифатида тасдиқланди. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларининг "Самарқандча руҳи"ни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқлади.

→ 2

## ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Ер юзида шундай умумбашарий масалалар борки, уларни фақат турли қитъада жойлашган ва турли сиёсий табиатга эга бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Мазкур давлатларни бирлаштирадиган ташкилот эса айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисобланади.*

2 март куни Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирганига 29 йил тўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг бир гуруҳ аъзолари Ўзбекистон ҳамда БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари юзасидан ўз фикр ҳамда мулоҳазаларини билдирди.

→ 2

## АЁЛЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ФАРОВОН

*Шу йил 26 февраль куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашиш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.*

### Муносабат

Буни юртимизда аёлларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодаси, десак, айни ҳақиқат.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми — 17 миллиони нозик хилқат эгалари. Бугунги кунда 1 400 га яқин аёллар республика ва вилоят, 43 мингдан зиёди туман ҳамда шаҳар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Асосий Қонунимизда хотин-қизларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Шу асосда кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга оид қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда аёллар, оилалар, фарзандлар манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг жамият ҳаётида фаоллиги орқали ўз ифодасини топаётир. Биринчи марта Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Айни чоғда қизларнинг сифатли таълим олиши, касб эгаллаб, ишли бўлиши учун катта имкониятлар яратилган. Таҳлилларга кўра, талабаларнинг 48 фоизини гўзал маликалар ташкил этмоқда. Ўтган йили уларнинг 585 мингга яқини ишли бўлган, 36 мингдан зиёди касб-ҳунарга ўқитилган. Ана шундай имкониятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар сони тобора ошиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари яратиляпти.



Жорий йилда ҳам юртимизда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, бандлигини таъминлашга қаратилган эзгу амаллар кўлами янада кенгайишига шак-шубҳа йўқ.

Мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилаётгани бугунги фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Ўрганишлар натижасида биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқиб, шулар асосида "аёллар дафтари" шакллантирилаётгани, кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилаётгани эътиборга молик, албатта.

→ 4

### Эътироф

## ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

**йигит-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича ўз вақтида қўйилган самарали қадам бўлади**

*Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Бош котиби Владимир Норов Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилган ташаббусларнинг ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада жипслаштириш ҳамда минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этишдаги ўрни хусусида ўз фикрларини билдирди.*

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясида илгари сурган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги замонамизнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича ташаббуслари айни дамда бутун жаҳон ҳамжамияти билан бир қаторда, дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат қилувчи ШҲТ мамлакатлари учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир, — деди ШҲТ Бош котиби "Дунё" АА мухбирига берган интервьюсида — Хусусан, сессиянинг очилишида сўзга чиққан БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш ҳам ўз нутқида COVID-19 пандемияси мавжуд заифлик ва тенгсизликни кучайтириб, инсон ҳуқуқлари соҳасида янги муаммолар туғдирганини айтиб ўтди.

→ 2

## ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

*Инсон қадр-қиммати, шаъни, ғурури, манфаатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин уни таъминлаш, ҳуқуқини амалда кафолатлаш, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, адолатни қарор топтириш масаласи анчайин мураккаб ва залварли вазифа. Чунки ҳеч бир давлатда шу пайтгача ўз фуқаролари эркинлигини мутлақ кафолатлаш мумкин бўлган бирор-бир механизм ёки формула ишлаб чиқилган эмас.*

### Нуқтаи назар

Балки ким учундир бу имконсиздек туюлар, лекин бир нарса аниқ: инсоният такомиллашувга секин-асталик билан, ўқиш, изланиш, тажриба ва ҳаёт сабоқларидан тобланиб эришади.

Шу йил 22 февраль куни Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида "Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир" деб таъкидлади. Ушбу сўзлар эса Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида комиллик сари дадиллик билан илдамлаётганини билдиради.

→ 2

### Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

## НУРАФШОН — ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР, ҲАВАС ҚИЛГУДЕК ОБОД МАНЗИЛГА АЙЛАНМОҚДА




*Бир вақтлар Ўрта Чирчиқ тумани маркази саналган Тўйтепа шаҳарчасида одамлар пастқам ва кўримсиз хонадонларда истиқомат қилишарди. Аҳоли йиллар давомида ичимлик суви, газ ва электр энергияси таъминотидаги муаммолардан қийналиб келган. Вилоятнинг маъмурий маркази бу ерга кўчирилгач, Тўйтепа — Нурафшон шаҳрига айлантирилди.*

*Давлатимиз раҳбарининг "Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида бугун ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилияпти. Бунда "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК томонидан ишлаб чиқилган Нурафшон шаҳрининг бош режаси муҳим ўрин тутмоқда.*

*Мазкур режага кўра, 2035 йилгача бу ерда 3248,2 гектар умумий ер майдонига эга бўлган серфайз шаҳар қад ростлайди. Умумий узунлиги 10,5 км., кенглиги 42 метрлик, халқаро талаблар даражасидаги равон ва кўркам Тошкент йўли кўчаси бунёд этилаётир.*

*Ушбу кўчанинг фойдаланишга топширилган қисмида бир пайтлар, тўкилай, деб турган пахса деворли ҳовлилар ва ўнқир-чўнқир кўчалардан иборат маҳаллалар бўлган. Бугун улар ўрнида юздан ортиқ кўп қаватли кўркам тураржой бинолари, аҳолига тезкор ва намунали хизмат кўрсатувчи банк муассасалари ҳамда ижтимоий-маъмурий бинолар қад ростлаётганини кўриб, кўз қувонади.*

*Янги хонадонларга ичимлик суви қувурлари тортилиб, оқова сув тармоқлари ўрнатилди. Кўчалар ёритқичли устунлар ва олтита электр тақсимлаш пункти билан таъминланди. Қисқаси, Нурафшон ўз номига мос янги типдаги шаҳарга айланмоқда.*

3-саҳифага қаранг. ▶

# ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

## йигит-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича ўз вақтида қўйилган самарали қадам бўлади

← 1

Унинг таъкидлашича, аёллар, озчиликлар вакиллари, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёшлар пандемиядан энг кўп азият чекканлар сирасига киради. Пандемия сабабли дунёдаги қашшоқлик кўрсаткичлари кескин ўса бошлади.



Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш, Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форуми ҳамда Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш каби таклифлари ҳар қачонгидан долзарб ва ўринли эканини таъкидламоқчиман.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасининг тақдим этилиши ҳақидаги баёноти алоҳида эътибор ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг 2020 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Москва саммитида Ўзбекистон Президентининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мазкур масалада ҳамжиҳатликда иш олиб бориш истагини билдирдилар.

Конвенциянинг қабул қилиниши орқали давлатлар ва дунё ҳамжамияти қаршисида турган ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда манфаатларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтида қўйилган самарали қадам бўлади.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатларимиздаги фаровонлик ва барқарор ривожланишни ҳамда пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этишга олиб келади.

Мен ШҲТ Бош котиби сифатида ташкилот Котибияти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур ташаббусларини амалга оширишда фаол қатнашишга тайёрлигини билдирмоқчиман.

**«Дунё» АА.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

← 1

Мамлакатимиз босиб ўтган кейинги йилларга назар ташласак, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда кафолатлаш эканига амин бўламиз. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган йили қабул қилинган 70 дан ортиқ қонунларда ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлик касб этади.



Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси" тасдиқланиши ҳам мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Мазкур ҳужжат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва унинг "Йўл харитаси", қолаверса, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ҳамда шартномавий қўмиталари хабарномаларини ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Фармонга кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг нормалари талабларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Мамлакатимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлгани ҳам давлатимиз зиммасига юклатилган мажбуриятларни астойдил бажариш ва инсон ҳуқуқларини глобал миқёсда ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганидан далолатдир.

Юртбошимиз дунёнинг энг нуфузли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлган ташкилот минбаридан туриб, Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколи ратификация қилиниши ва бу борада ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўрилаётганини билдирди. Бу Ўзбекистон халқаро майдонда очиқлик сиёсатини илгари сураётганидан далолат. Инсон ҳуқуқлари таъминланиши борасида 75 йилдан буён давлатларнинг мана шу соҳада олиб бораётган ишларини кузатиб, таҳлиллар асосида уларга ўз тавсияларини бериш билан шуғулланувчи ушбу нуфузли ташкилотнинг тажриба ва салоҳияти, ўйлайманки, бизга асқатиши, шубҳасиз.

Илғор халқаро тажрибаларга асосланган Омбудсман ҳузуридаги қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм 2019 йилда йўлга қўйилиб, бу орқали маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилишига эришилган бўлишига қарамай, Вакилга юборилаётган мурожаатлар таҳлили бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Мисол учун 2020 йилда Омбудсман офисига келиб тушган жами мурожаатлар таҳлил этилганда, уларнинг 1 044 тасида фуқароларнинг одил судловга ҳамда 2 565 тасида адолатли тергов-суриштирув ҳаракатларига бўлган ҳуқуқларини таъминлашда ёрдам сўралган.

Албатта, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамоаси давлатимиз раҳбари томонидан Омбудсман зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича қийноқларнинг олдини олиш юзасидан миллий превентив механизм доирасида жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ижро этиш муассасаларига "мониторинг ташрифлари"ни амалга ошириб, уларнинг якунлари юзасидан парламентга ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга таҳлилий маълумотлар тақдим этиб боради. Шунингдек, Вакил номига келиб тушган мурожаатларнинг ҳудудлар кесимидаги таҳлили асосида мутасадди органлар ходимлари билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил этиб, муаммоларни жойида ҳал қилиш амалиёти кучайтирилади. Ва энг асосийси, аҳолининг мурожаатлари билан ишлашда натижадорликка, ҳар бир мурожаатнинг ечими топилишига катта эътибор қаратилади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

← 1

**Дилором ФАЙЗИЕВА, қўмита раиси**:



— Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган кун, шубҳасиз, мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим саналардан бири ҳисобланади. Ушбу кунни том маънода халқимиз орзуси ушалган палла, деб бемалол айта оламиз. Зеро, ўша кундан бошлаб Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди ва юртимиз байроғи мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи пештоқида мағрур ҳилпираб турибди. Айнан ўшандан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ушбу даврдан бошлаб, БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар — хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳамда уни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишлардир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси БМТнинг фаол аъзоларидан бирига айланди. Мана 29 йилдирки, мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилот билан узвий ҳамкорлик қилиб, дунёда ва минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизнинг БМТ доирасида глобал ва минтақавий масалаларда илгари сурган ташаббуслари кўплаб ижобий саъй-ҳаракатларнинг бошланишига сабаб бўлибгина қолмай, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Ўктам ИСЛОМОВ, қўмита аъзоси:**

— Барчамиз шу йил 22 февраль куни давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқини диққат билан тингладик. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 2021 — 2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайлангани мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг муҳим эътирофи бўлди. Зеро, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, шу қаторда БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган.

Давлатимиз раҳбарининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида, ҳар доимгидек, ниҳоятда аниқ ва бугунги кунда долзарб бўлиб турган таклиф ҳамда ташаббуслар ўртага қўйилди.

Жумладан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳамда ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан ошириш, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам



бериш, "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилди.

Шу билан биргаликда, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, мамлакатимизда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини яратиш масаласини кўриб чиқиш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш масалалари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг нуфузли минбардаги нутқи мамлакатимиз инсон ва унинг ҳуқуқлари борасида ўзи танлаган йўлдан ортга қайтмаслигини, халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ҳамда нормаларини қатъий ҳимоя қилишини ва уни фаол илгари суришини яна бир бор намоён этди.

**Қодир ЖЎРАЕВ, қўмита раисининг ўринбосари:**



— Ўтган 29 йиллик давр мобайнида БМТнинг юксак минбари Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташаббусларини илгари суришнинг муҳим платформасига айланди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи ҳудуд, деб эълон қилиш тўғрисида илгари сурган ташаббуси минтақадаги барча давлатлар томонидан тегишли шартноманинг имзоланиши билан якун топди. Ҳозирда Марказий Осиё ушбу қирғин қуролидан холи бўлган дунёдаги саноқли минтақалардан биридир.

Ўзбекистон — БМТ алоқалари, айниқса, охирги 4 йилда анча фаоллашди. Ўзбекистон БМТнинг юксак минбари орқали фаол тарзда минтақавий ва глобал масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириб келмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ҳамда 75-сессияларида нутқ сўзлаб, қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Агар Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида (2017 йил 19 сентябрь) илгари сурилган таклифларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг барчаси ҳаётга изчиллик билан жорий қилинганини кўришимиз мумкин.

***Биринчидан,*** Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича билдирилган таклиф асосида 2018 йилнинг 26-27 март кунлари пойтахтимизда БМТ шафелигида "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги конференция ташкил этилди. Мазкур конференция якунлари ўлароқ қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатишнинг ўзига хос стратегиясига айланди.

***Иккинчидан,*** Марказий Осиёни барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш ҳақидаги ғоя асосида 2018 йилнинг 20 июнида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" деб номланган резолюция қабул қилинди.

Мазкур резолюцияда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда Марказий Осиёдаги давлатлар роли эътироф этилгани ҳолда, уларнинг хавфсизлик ва тараққиёт борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлангани айни муддаодир.

***Учинчидан,*** "Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ фожиавий оқибатларни бартараф этиш бўйича халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш" юзасидан билдирилган таклиф асосида 2018 йил 27 ноябрда Нью-Йоркда БМТ томонидан Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил қилинди. Ҳозирги кунда мазкур жамғарма орқали халқаро донорларнинг маблағларини жалб этган ҳолда Оролбўйи ҳавзасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

***Тўртинчидан,*** яна бир муҳим таклиф асосида 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Шуниси эътиборга моликки, мазкур резолюцияни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 50 дан ортиқ мамлакатлар қўллаб-қувватлаб, унинг ҳаммуаллифи бўлдилар.

***Бешинчидан,*** Президентимизнинг ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди.

***Олтинчидан,*** Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам равишда йўлга қўйиш тўғрисидаги муҳим таклиф ҳам тўлиқ ҳаётга татбиқ қилинди. Ҳозирги кунда мазкур мулоқот учрашувларини ўтказиш доимий тус олди ва у минтақанинг иқтисодий интеграцияси йўлида улкан аҳамият касб этмоқда. Ушбу қулай платформанинг таъсис қилиниши Марказий Осиё халқларининг умумий ютуғига айланди, десак, асло муболаға бўлмайди.

**Дилбар УСМОНОВА, қўмита аъзоси:**

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТ томонидан қўйилган барча халқаро талаб ва меъёрларни бажариб, халқимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, эркин иқтисодий ривожланиш йўлида астойдил қадам ташламоқда.

Айниқса, Президентимизнинг ўтган йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаши катта воқеа бўлди. Ана шу тарихий нутқ орқали Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаб олгани, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида саъй-ҳаракатлар жа-



дал тус олаётгани аниқ мисоллар билан таҳлил қилиб берилди.

Мамлакатимиз раҳбари пандемия дунё бўйлаб кенг тарқалган ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазиятда Ер юзидаги барча давлат ҳамда халқларни ўзаро ҳамкорлик қилишга чақирар экан, бу борада ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро шериклари олдидаги мажбуриятларини қамраб олувчи муҳим ҳужжат — Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш устувор мақсад эканлигини таъкидлаб, бу йўлда муҳим стратегик вазифалардан бири — минтақанинг глобал иқтисодий, транспорт ҳамда транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлаш лозимлигини қайд этди ва БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очишни таклиф қилди.

Яна бир муҳим масала — Марказий Осиёнинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари БМТнинг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарурлигига эътибор қаратиб, БМТ ҳузурида Афғонистон масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи махсус қўмита тузишни таклиф қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон БМТ орқали ўз таклиф ва ташаббусларини шунчаки эълон қилмасдан, балки уларни изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқда ва бунинг учун зарур чора-тадбирларни ишга солмоқда.

**Зуҳра ШОДИЕВА, қўмита аъзоси:**



— Маълумки, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) инсониятни ҳимоя қилиш ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Айниқса, бугунги коронавирус инқирози шароитида Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳар доимгидан ҳам долзарброқ. Нега деганда, дунё тарихий кўламларга эга бўлган, хусусан, кейинги 100 йил давомида кузатилмаган энг йирик таҳдид ва инқирозга дуч келиб турибди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган инқирознинг нақадар жиддий эканини барча учун тушунарли бўлмоғи керак.

Ўзбекистон БРМга эришишнинг қатъий тарафдоридир. Мамлакатимизда 2017 — 2021 йиллар доирасида амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари БРМга тўла мос тушади.

2018 йилда Ҳукумат томонидан барқарор ривожланиш соҳасидаги 17 та миллий мақсад ва ушбу мақсадлар билан боғлиқ равишда 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган 127 та вазифа тасдиқланди. Мазкур миллий мақсад ва вазифаларни имплементация қилиш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди. Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳам тузилди.

Кейинги тўрт йилда камбағалликка барҳам бериш, аҳоли соғлиғини яхшилаш, айниқса, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, экология муаммоларига ечим топиш, гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим соҳаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ушбу жараёнда парламентимиз ҳам анча фаол иштирок этмоқда. Ўтган тўрт йилда Олий Мажлис томонидан ижтимоий соҳада 40 га яқин қонунлар қабул қилинди. Хусусан, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида", "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида", "Касаба уюшмалари тўғрисида", "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида", "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан. Парламентимиз томонидан 10 дан ортиқ халқаро шартномалар, чунончи, Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси ратификация қилинди.

Олий Мажлисда парламент комиссияси ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларнинг бажарилишини ҳам миллий, ҳам минтақавий даражада доимий назорат қилишдан иборатдир. Бу борадаги ишларга маҳаллий Кенгашларнинг 6 минг 600 нафар депутатидан иборат улкан салоҳият сафарбар этилган.

Шу билан бирга, БРМни амалга оширишда парламент иштирокини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Айниқса, ушбу жараёнда замонавий АКТнинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, макон ва замон чақириқларига ҳамда давр талабларига ўз вақтида жавоб қайтариш тақозо этилади.

**Зулайҳо АКРАМОВА, қўмита аъзоси:**



— Ҳозирги кунда мамлакатимиз нафақат БМТ билан, балки БМТ оиласига кирувчи Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (ЮНОДС), Умумжаҳон почта иттифоқи (ЮПУ) каби ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳам ўзаро самарали ҳамкорлиги тобора чуқурлашиб бораётганини кузатиш мумкин.

Чунончи, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида болалар саломатлигини асраш, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан коронавирус пандемияси ва унинг олдини олиш йўналишида узвий ришта йўлга қўйилди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда алоқалар изчил ривож топмоқда. Чунончи, бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимизнинг юбилей тадбирлари мазкур халқаро ташкилот раҳнамолигида кенг нишонланмоқда. Анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро фестивали ҳам ЮНЕСКО билан биргаликда ўтказиб келинмоқда. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, Ўзбекистон Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияни ҳам ратификация қилган бўлиб, шу асосда Наврўз байрами, "Катта ашула" қўшиқлари, Хоразм "Лазги"си, Бойсун тумани фольклори, "Шашмақом" миллий мумтоз мусиқаси каби объектлар Инсониятнинг номоддий мероси рўйхатидан ўрин олди ва одамзоднинг ноёб дурдоналари сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий маънавий обидалар бутунжаҳон маданий меросининг ноёб намуналари сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Ҳозирда ушбу рўйхатга янги объектларни киритиш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Ўзбекистон — БМТ:

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

← 1

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги чиқиши, юксак минбарда туриб она тилимизда нутқ сўзлаши барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдирди. Ватанимиз тарихида бундай юксак минбарда ўзбек тили — Навоий тили ҳеч қачон янграмаган эди. Янги Ўзбекистон раҳбарининг бу нутқи она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 31 йиллигига муносиб туҳфа бўлибгина қолмай, тилимизга давлат даражасида эътибор қаратилаётганининг далолати бўлди.

Юртбошимиз ўз нутқида бутун дунёга хавф солаётган коронавирус пандемиясига қарши кураш йўлида Ўзбекистонда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мавзусидан ташқари, Янги Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш, мажбурий ҳамда болалар меҳнатини тугатиш, камбағалликка қарши курашиш каби йўналишларда эришилаётган катта натижалардан дунё жамоатчилигини хабардор этди.

Мамнуният билан айтиш лозимки, Ўзбекистон ўз тараққиётининг тамомила янги босқичини бошидан кечирмоқда, истисносиз барча соҳадаги кўламли ислоҳотлар ўзининг аниқ натижаларини кўрсатмоқда. "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғояси асосида олға интилаётган юртимизнинг нуфузи минтақада ҳам, дунёда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар дунё миқёсида "Янги Ўзбекистон" деган истилоҳнинг тобора кенг ёйилишига замин яратмоқда. Давлатимиз раҳбари муаззам халқаро мажлисда янги Ўзбекистоннинг орзу-ниятлари, бугун бутун инсоният олдида турган муаммоларнинг ечимлари борасидаги нуқтаи назарларини баён этди.

Бу юқори даражадаги анжуманда Ўзбекистоннинг иштироки ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, энг аввало, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам қатор муҳим таклиф-ташаббусларни илгари сургани ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганини эслаб ўтиш жоиз. Хусусан, илгари сурилган ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Шавкат Мирзиёевнинг 6 та ғоясидан 5 таси ҳозирги кунга қадар амалга ошганини кўриш мумкин: 2018 йил 18 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" деб номланган резолюцияси; 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" тўғрисидаги, "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш" тўғрисидаги резолюциялари қабул қилинди; Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари йўлга қўйилди; Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил қилинди.

Бу долзарб мавзулар Юртбошимиз томонидан Бош Ассамблеянинг 75-сессиясида ҳам тилга олинди. Бугунги кунда БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Маълумки, бу масала яқиндагина инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми доирасида кенг муҳокамадан ўтказилди. Давлатимиз раҳбари сессияда жаҳон ҳамжамиятини бу борада ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тезлаштиришга чақирди.

Ўзбекистон Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияда ҳам қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Чунки халқини, жамиятни ўйлаган ҳар қандай давлат пандемия шароитида ҳам фуқаролари манфаатини кўзлаган қарорларни қабул қилиши шарт.

Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш борасидаги Юртбошимиз ташаббуси ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди. "Оролбўйи — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди" номли БМТнинг резолюция лойиҳаси Оролбўйи ҳудуди аҳолисининг турмуш даражасини ўстириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашни назарда тутувчи янги, инновацион ва замонавий технологик ечимларни амалга оширишда инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ҳудудий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мазкур ташаббус "яшил иқтисодиёт" тамойилларига мос экологик тоза, энергия ва сувни тежайдиган технологик лойиҳаларни комплекс амалга ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган технологияларни жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш, экологик миграция ва экотуризмни ривожлантириш масалаларини ҳам қамраб олган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус — қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишнинг глобал саммитини ўтказиш таклифидир. Чунки жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ҳамда зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар, шунингдек, бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини келтириб чиқармоқда. Бу муаммолар, айниқса, пандемия шароитида янада кучайди. Тобора кескин тус олаётган қашшоқлик муаммоси дунё афкор оммасини хавотирга солмоқда. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф қилди.

Қўшни Афғонистон можаросини бартараф этиш ва бу жафокаш заминда тинчлик ўрнатилишидан ҳаммадан кўра Ўзбекистон манфаатдор. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммосини ечиш учун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишда янги босқич бўлди. Ушбу конференция афғон муаммоси бўйича йирик ва қўшни давлатларнинг позицияларини биринчи марта бир-бирига яқинлаштирди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистон 2020 йилнинг сентябрь ойида Доҳа шаҳрида афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди ва БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозимлигини таклиф қилди. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур.

Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида эса жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида "Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим" глобал форумини, ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжуманини, диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказиш борасидаги ташаббуслари баён этилди. Ўзбекистоннинг 2021 йил 1 январдан кенгаш аъзолигига сайланиши эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотлар эътирофидир.

Мамлакатимиз ва БМТ ҳамкорлиги изчил давом этмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган БМТ билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатдаги вазифаларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши мамлакатимизнинг БМТ билан муносабатларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
**шарҳловчи.**
**(«Халқ сўзи»)**

# АЁЛЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ФАРОВОН



1

## Оналарни тўлқинлантириб юборган таклиф

Хотин-қизларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, тадбиркорликка иштиёқни уйғотиш учун давлат ҳамда жамият ўз зиммасидаги барча ишни бажаряпти. Бу йўналишда маҳаллаларда янги ташкил этилган Аёллар маслаҳат кенгашлари ҳам яқиндан кўмак бераётганини кўриб турибмиз.

Лекин ҳозирги мураккаб вазият жойларда уйма-уй юриб турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг аҳволини ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ таҳлил қилиш, уларга амалий кўмак бериш ишларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу жараёнда Президентимиз хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этиш таклифини илгари сургани, шу кунларда ушбу кенгаш тузилгани, очиғи, аёллар, оналаримиз қалбига, юрагига етиб борди, уларни тўлқинлантириб юборди.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарувидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли уларнинг жамиятдаги тутган ўрни юксалди. Ўзбек аёли исми-шарифи ёнига Ўзбекистон Қаҳрамони, депутат, сенатор, вазир, вазир ўринбосари, ҳоким, академик, олима, тадбиркор, директор каби лавозимлар қўшиб айтилиши бунинг яққол мисолидир.

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга эътибор кучайтирилаётганининг яна бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди. Ислоҳотлар таълим ва тарбияга эътиборнинг кучайтирилиши билан янада мустаҳкамланди.

## Хорижий тажриба

Аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, гендер тенглиги масаласига АҚШ, Япония, Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатларида алоҳида эътибор қаратилади. Исталган даражада ҳамда исталган босқичдаги қарор қабул қилиш давомида гендер масалаларини эътиборга олиш жуда муҳимдир.

Масалан, Финляндияда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги аёлларнинг фоизи нисбати ижобий ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, сиёсий ҳаёт узоқ вақт мобайнида аёллар ва эркаклар соҳаларига бўлинарди. Ижтимоий сиёсат ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида кўпроқ аёлларга ўрин ажратилган. Кейинчалик аёллар одатда эркакларники, деб ҳисобланган сиёсатнинг турли хил соҳалари масалалари билан ҳам муваффақиятли фаолият юритишди. Мисол учун, улар бош вазир, мудофаа вазири ва молия вазири лавозимларини эгалладилар.

Амалда аёллар ҳам эркаклар каби билимдон мутахассис ва қарор қабул қилишда масъулиятни тўла ҳис қилувчи мутасадди бўлиб чиқди. Кейинги мақсад иқтисодиёт соҳасида ҳам аёлларнинг сонини оширишдан иборат бўлди. XX асрнинг бошларида Финляндиянинг аёллар ҳаракати, аёлларга овоз бериш ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқини бериш учун курашди.

Хитой ҳукумати 1995 — 2000 йиллар давомида "Хотин-қизларни ривожлантириш миллий дастури"ни ишлаб чиқди ва 2001 — 2010 йиллар давомида ривожланишнинг асосий мақсад ва вазифалари, аёлларнинг мавқеини ошириш бўйича йўналишларни аниқлаштириб олди.

Дастурда аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини ўз ичига олган 34 та асосий мақсад белгиланди. Унда хотин-қизлар таълимини ривожлантириш, ишчи хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқларда соғлиқни сақлаш хизматини яхшилаш орқали хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, яшаш муҳитини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқбузарликлар ва шахсий ҳуқуқлари бузилишидан муҳофаза қилиш белгилаб берилди.

Қолаверса, Хитой ҳукумати аёллар орасида тадбиркорликни кенг тарғиб қилиб келмоқда. Ўтган асрнинг 90-йиллар ўрталарига келиб, Хитой гендер тенглиги бўйича институтлари юқори даражага эга деб ҳисобланган Япония, Буюк Британия ва АҚШдан кўра анча яхши натижага эришди. Хитой ҳукуматининг аёллар тадбиркорлигини рағбатлантириш сиёсати профессионал касбий тайёргарлик бўйича субсидияларни ўз ичига олади. Микрокредитлар, солиқ имтиёзлари, зарурий шарт-шароитлар билан таъминлаш, турли инкубаторлар яратиш, тадбиркор аёллар учун тадбиркорликка оид таълим аттестациясининг жорий этилиши шулар жумласидандир.



## Гендер тенгликни таъминлашга эътибор янада кучайди

Айтиш жоизки, 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришга, гендер тенглигини таъминлашга эътибор янада кучайди. Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ҳамда мавқеини янада мустаҳкамлаш — ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан бири.

Давлатимиз раҳбари аёлларга яратиб берилаётган шароитлар билан бирга, уларнинг дарду ташвишлари, муаммолари борлигини ҳам эътироф этиб, уларни ечиш лозимлиги юзасидан ҳам йўл-йўриқлар кўрсатаётгани таҳсинга сазовордир.

Хусусан, ҳокимлар ва сектор раҳбарларига "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, тикувчилик, ҳунармандчилик, касаначилик, паррандачилик ва экин майдонларидан ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатасига тадбиркор бўлиш истагини билдирган "аёллар дафтари"даги 70 мингга яқин хотин-қизларни бизнес ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси топширилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтаётган ҳар бир тумандаги коллежларнинг бўш турган қисмини ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун тадбиркорларга 30 йилгача муддатга имтиёзли ижарага бериш вазифаси қўйилди. Бунга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 70 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, 70 мингга яқин хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки орқали 2 триллион сўм кредитлар йўналтирилади.

## Соғлом аёл — соғлом жамият

Аёллар саломатлигини сақлаш масаласи устувор вазифа.

Албатта, опа-сингилларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш йўналишларида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Бироқ тан олиш керак, жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тиббий хизматлар сифати талаб даражасида эмас. Бундан ташқари, хотин-қизлар ўртасида нафас олиш, ҳазм қилиш аъзолари, юрак-қон томир тизими касалликлари ҳам кўп учрайди.

Шу каби тиббий ёрдамга муҳтожлиги аниқланган 44 минг нафар хотин-қизни алоҳида назоратга олиб, тиббиёт бригадаларига бириктириш, тор доирадаги шифокорларни жалб қилган ҳолда, уларни даволаш бўйича топшириқлар берилгани, сўнгги йилларда минглаб муҳтож аёлларга янги туражойлар топширилгани, кам таъминланган хотин-қизлар уй олиши учун бошланғич бадал пулини тўлаб бериш тизими жорий этилгани, хотин-қизларнинг давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, ўз соҳаларида эришган ютуқларини рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш таклифи илгари сурилгани миллат давомчиси бўлган хотин-қизлар бундан буён ҳам доимий эътиборда бўлишининг яққол исботидир.

Натижада аёлларни қийнаётган турли соҳалардаги чигалликлар ўз ечимини топади. Ҳар бир аёл ҳаётнинг барча поғонасида қоқилмасдан, тетик қадам ташлаши учун имконият эшиклари очилади. Боз устига, коронавирус пандемияси давом этаётган бир шароитда аёлга эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатилиши жуда катта инсонпарварликни намоён қилади.

Зеро, хотин-қизлари эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси фаровон.

**Шаҳноза ЭРГАШХЎЖАЕВА,**
**ТДИУ Маркетинг кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ШАРОИТИ ОҒИР МАҲАЛЛА ВА ОВУЛЛАР МАСАЛАСИ

## Хўш, буни ўнглаш учун ҳудудда нималар қилинмоқда?

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Президентимизнинг "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида шароити оғир маҳалла ва овулларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ҳисобига уларни оғир тоифадан чиқариш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.*

### Семинар

Видеоконференцалоқа тарзида ўтган тадбирда Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, сектор, соҳа ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Унда давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарори республиканинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш билан бир қаторда, шаҳар ва туманлар, маҳалла ҳамда овулларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ушбу ҳужжат билан шароити оғир 45 та маҳалла ва овулда аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш кўзда тутилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири С. Турманов. — Шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича 20 га яқин йўналишлар бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва унга кўра 437 объект учун жами 3 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилиши белгиланган.

Семинарда Президентимизнинг Фарғона ва Наманган вилоятларига ташрифи давомида айрим маҳаллаларга бориб, у ердаги мавжуд муаммоларга эътибор қаратгани, мутасадди раҳбарларнинг беапарволиги ҳақида сўз юритилиб, бу каби камчиликлар Оролбўйи ҳудудидаги баъзи маҳаллаларда ҳам мавжудлиги қайд этилди ва уларни бартараф қилиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ?

*Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ёшлар парламенти аъзолари, мутасадди вазирлик ҳамда идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ билан биргаликда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг Сирдарё вилоятида амалиётга жорий этилиши ҳолати ўрганилди.*

### Ўрганиш

Дастлаб вилоятнинг туман ва шаҳарларида бу борада рўёбга чиқарилган ишлар билан танишилди. Қолаверса, масъулларнинг Сенат қўмитасига тақдим этган статистик рақамларнинг реал ҳолатга қанчалик мослиги таҳлил этилди. Ишчи гуруҳ томонидан ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар ҳам ўтказилди.

Жараёнда ютуқлар билан бир қаторда, муаммо ва камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Хусусан, ўғил-қизлар беш муҳим ташаббус доирасида тўлиқ қамраб олинмаганлиги, бунга масъул ташкилотларнинг моддий-техника базаси эскиргани, маҳаллабай усулида ишлар йўлга қўйилмагани аён бўлди.

Ўрганиш доирасида Сенат қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Боёвут тумани Кенгаши қўшма мажлиси ўтказилиб, Боёвут туманида амалга оширилган ишлар юзасидан 4 та сектор раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Тадбирда қўмита раиси Б. Сайфуллаев сўзга чиқиб, ишчи гуруҳнинг туманда ўтказган ўрганиш натижалари хусусида тўхталди. Қолаверса, беш муҳим ташаббуснинг ҳар бир йўналиши бўйича ёшларни қамраб олиш имконияти, бу борада тўсиқ бўлаётган муаммолар ва жамоатчилик назорати ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан қўшма қарор қабул қилинди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИОБОДДАГИ ЯНГИ ФИЛИАЛ

## «Қишлоқ қурилиш банк» ташаббуси туман аҳлига катта қулайлик яратди.

QISHLOQQURILISHBANK

*Одамлар билан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган муаммо ва ташвишларга ечим топиш учун, аввало, улар ёнига бориш, улар билан дилдан суҳбатлашиш керак. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллабай, хонадонбай ишлаш тизимига ўтилаётганининг боиси ҳам шунда, аслида. Яъни раҳбару мутасаддиларнинг фақат кабинетда ўтиравермасдан, пастга, одамлар орасига кириб ишлашлари талаб этиляпти. Бу тўғри усул. Зеро, муаммою масалалар ўзаро суҳбатларда маълум бўлади.*

### Молия муассасаларида

Янгиобод — Жиззах вилоятининг энг чекка туманларидан бири. Бу туман аҳли кўп эҳтиёжи учун вилоят марказига боришига тўғри келади, дегани. Яқиндан бошлаб эса улар банк томонидан кўрсатиладиган хизматлардан шу ернинг ўзида фойдаланадиган бўлишди. Гап шундаки, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ ташаббуси билан молия муассасасининг Янгиобод филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Айтиш керакки, шу муносабат билан ташкил этилган тадбир туман аҳли учун ўзига хос байрамга айланди. Одамлар банк ходимларини, улар эса аҳолини янги бино билан қутлади. Зотан, воқеа шунга арзийди. Чунки туманда шу вақтга қадар банк филиали мавжуд эмас эди.

Бу кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли энг олис ҳудудлар ҳам обод ва кўркам бўлиб бораётганига яққол мисол бўлади.

— Замонавий меъморчилик талаблари асосида бунёд этилган янги биномизда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун муассаса ходимлари ва мижозларга барча қулайлик яратилган, — дейди филиал раҳбари Ихтиёр Ҳасанов. — Эски бинода мижозларга хизмат кўрсатиш чекланган эди. Янги биномиз эса замонавий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланган. Қўшимча банк операциялари бажариш имконига эга.

Масалан, халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ташкил қилинган. Ваҳоланки, аввал ушбу хизмат тури йўқлиги сабабли туман аҳолиси халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш учун бошқа туман ёки вилоят марказига боришга мажбур бўлар эди.

Чиндан ҳам, филиал аҳоли ва мижозлар учун ҳар томонлама қулай. Бу ерда меҳнат қилаётган 45 нафар мутахассис ташриф буюрувчига тезкор хизмат кўрсатишга шай.

«Қишлоқ қурилиш банк" АТБ томонидан Янгиобод туманида молиялаштирилаётган лойиҳалар талайгина. Аниқроғи, банк қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 10 лойиҳага 32,9 миллиард сўм маблағ йўналтирган бўлса, шундан 17,6 миллиард сўми узумчиликни ривожлантиришга қаратилган 2 та, 5,7 миллиард сўм боғдорчилик ташкил этиш учун 2 та, 5,3 миллиард сўми чорвачиликни йўлга қўйиш учун 5 та, 4,2 миллиард сўми томорқа хизмати кластери ташкил этиш учун 1 та лойиҳани молиялаштиришни назарда тутади. Бундан кутилаётган натижа ҳам эътиборга молик: туманга 150 бош наслли чорва келтирилиб, 1 минг тонна мева ва 1,5 минг тонна узум етиштирилади. 146 киши бандлиги таъминланади.

Саноат соҳасидаги 2 та лойиҳага 1,3 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш йўналишидаги 3 лойиҳага 6 миллиард сўм маблағ берилади. Натижада саноатда экспорт миқдори 500 минг долларга кўпаяди, бюджетга 350 миллион сўм тушум бўлади. Хизмат кўрсатиш ҳажми 15 фоизга, ички туризм 10 фоизга ортади. Янги иш ўринлари мос равишда 73 ва 24 тани ташкил этади.

Умуман олганда, амалга ошириладиган лойиҳалар сони 15 та, уларнинг умумий қиймати 62,5 миллиард сўм. Шундан 40,2 миллиард сўми банк кредити. Яратиладиган иш ўрни 243 та. Ёмон режа эмас. Муҳими, бунинг учун шароит, интилиш ва иштиёқ бор.

### Маҳаллабай — самарали ишлаш усули

Янгиобод — нисбатан ёш туман. 1999 йилда ташкил этилган. Маркази Янгиобод шаҳарчаси. Аҳолиси 28 минг нафардан зиёд. Туманда саккизта маҳалла фуқаролар йиғини ва 29 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд. 481 оиладаги 2020 нафар фуқаро "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган. Ишсизлик даражаси 3,9 фоиз, яъни ҳозир 1088 киши ишламайди. Булар, табиийки, банк зиммасига ҳам талайгина вазифаларни юклайди. Бинобарин, ҳозир бутун республикамиз бўйлаб маҳаллабай ишлаш тизимига ўтиляпти. Ҳар бир масъул идора ва ташкилот маҳаллаларга, хонадонларга кириб, ўз хизмат ва таклифларини билдиришяпти.

"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Янгиобод туманига айни шу масалада бириктирилган. Шундан келиб чиқиб, филиалда маҳаллабай ишлаш тизими ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир маҳаллага икки нафардан ходим бириктирилган.

— Маҳалламиз ҳудудида учта — Чаканди, Намингон ва Пастки чақир қишлоғи бор, уларда меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони 110 нафарни ташкил этади, — дейди "Дўстлик" МФЙ раиси Жавлонхон Қобилхўжаев. — Маҳаллабай ишлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, улар ҳар бир хонадон ва фуқаро билан мулоқот олиб боряпти.

Маҳалламизда 13 та тадбиркор бор. Аҳоли бандлигини таъминлашда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ёрдами катта бўляпти. Молия муассасаси кўмаги билан 2020 йилда 50 кишини иш билан таъминладик. Улар балиқчилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжаликларини ташкил этишди.





Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, маҳалла ҳудудидаги "Истиқлол баҳори томорқа хизмати" МЧЖда банкнинг молиявий кўмаги билан 80 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Шундан 30 таси ёшлар учун. Бундан ташқари, "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар учун ҳам иссиқхонадан 50 сотиҳдан ер ажратиб берилади. Бу йил охиригача маҳаллада ишсиз одам қолмайди, дегани.

Реклама ўрнида

Шу ўринда "Истиқлол баҳори томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтсак. Зеро, ёш тадбиркор Лазизжон Муродқулов раҳбарлик қилаётган ушбу субъект бошқаларга ўрнак бўлса арзигулик.

Ўтган йили иш бошлаган жамиятда амалга оширилаётган лойиҳалар бир қанча. Ярим гектарлик иссиқхонада кўчат етиштириш, сиғими 150 тонналик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси, томат ишлаб чиқариш ва қадоқлаш цехи, сиғими 200 тонналик совиткичли омборхона, кўчат, уруғ, минерал ўғит ҳамда кимёвий воситалар сотиш дўкони, икки гектарлик иссиқхона ташкил этиш каби лойиҳалар шулар жумласидан. Муҳими, бу орқали кам таъминланган оилаларнинг 5 минг нафар аъзоси қамраб олинади. 130 киши эса доимий ишга жалб қилинади. Бунинг учун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Янгиобод тумани филиалидан 4 миллиард сўмдан зиёд кредит йўналтирилмоқда.

Лойиҳалар бирин-кетин ишга туширилмоқда. Иссиқхонада помидор кўчатлари парваришланмоқда. Сал нарида томат ишлаб чиқариш ва қадоқлаш цехи биноси қад ростлаяпти. Экинларга ишлов берувчи ихчам техникалар келтирилган.

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг Янгиобод филиали жамоаси ана шундай узоқни кўзлаган мижозларга ёрдам бериш йўлида меҳнат қилишмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси эса тез орада кўзга ташланиши аниқ. Зеро, мақсад шундай эзгуликка қаратилган.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# ҲАЁТИ ҲАМ, ИЖОДИ ҲАМ БАҲОРДЕК ТАРОВАТЛИ ВА АРДОҚЛИ

*Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуди муносабати билан тадбир ўтказилди. Унда адабиёт мухлислари, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар қатнашди.*

### Тадбир

Тадбирда баҳорнинг илк кунида таваллуди нишонланадиган атоқли шоира Зулфиянинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам баҳордек тароватли ва ардоқли экани таъкидланди. Унинг асарлари Ватанни севишга, инсонларни қадрлаб яшашга, ҳалоллик, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат, чин инсонийлик фазилатларини асраб-авайлашга ўргатади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ шоири, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган муаззам Адиблар хиёбонида шоира ҳайкали ўрнатилган. Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижод мактаби, музейи ташкил этилиб, ушбу ижодкорларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти истеъдодли қизларга топширилмоқда.

Тадбирда шоира Зулфия Мўминова устозга бағишланган шеърини ўқиб берди. Шоира ва таржимон Бегойим Холбекова Зулфиянинг шеърларини инглиз тилида ўқиди. Халқимизнинг ардоқли шоираси номидаги Давлат мукофотлари соҳибалари ўз ижодидан намуналар айтишди.

Зулфия хонадонининг оила аъзоси Лола Муҳиддинова бугун ҳам ижодкор меросига катта эътибор қаратилаётганини, давлатимиз томонидан устоз шоира ижодини, хотирасини эъзозлаш борасидаги катта эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Бу каби тадбирлар мамлакатимиздаги барча ўқув масканларида, кутубхоналарда, маҳаллалар, ижодий ташкилотларда давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси институтнинг Маркетинг кафедраси профессори Адҳамжон Фаттаховга турмуш ўртоғи

**Гули ФАТТАХОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6